



Бундан бир ой аввал қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эса тадбиркорлик ҳаракатини том маънода эркинлаштиришга асос яратган ҳужжат десак адашмай-миз.

Мазкур ҳужжат эълон қилинган кундан бошлаб ҳўжалик субъектлари қаторида биринчи навбатда микрофирма ва кичик корхоналарнинг маромида фаолият юритишига ғов бўлаётган текширувлар қисқартирилиб, бу борадаги давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этгани ҳолда авваламбор назорат органлари мансабдор шахсларнинг масъулиятини кучайтириши талаб қилинаётган.

Фармонга асосан жойлардаги назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг ҳудудий комиссиялари таркиби қайта шакллантирилмоқда. Ушбу масала яқинда пойтахтда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишининг кун тартибига киритилиб, Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси ҳамда туман комиссияларининг фаолияти кўриб чиқилди ва янги таркиби тасдиқланди.

Фармон ижроси юзасидан ўтган вақт давомида шаҳар комиссияси томонидан ҳўжалик субъектлари бўйича дастлаб режалаштирилган текширувлар янги талабларга мувофиқлаштирилган ҳолда таҳлил

қилинди. Шаҳар бўйича шу йилнинг тўртинчи чораги учун белгиланган текширувлар сонини 571 тага қамайтириш юзасидан Республика кенгашига тақлиф киритилди.

— Айни пайтда шу йўналишдаги иш-

гуси 2006 йил учун мўлжалланган режали текширувлар лойиҳаси ҳам қайта кўриб чиқилди. Тегишли ўзгаришлар киритилгандан сўнг дастлабки рўйхат бўйича 30 фоизга яқин ҳўжалик субъектлари текширувлардан озод этилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мазкур Фармон ижроси юзасидан Мировоб тумани ҳудудий комиссияси томонидан кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, жойларда тадбиркорлик субъектлари вакиллари ва назорат органлари мутасаддилари иштирокида янги қонун-қоидаларни тушунтириш ва тўғри қўллаш юзасидан кетма-кет семинарлар уюштирилмоқда. Ишонч телефонлари орқали ҳам мулоқотлар давом эттирилиб, тадбиркорларнинг билдираётган фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, улар томонидан кўтарилган барча масалалар ижобий ҳал этилишига эришилмоқда.

Бундан ташқари, туман ҳудудий комиссияси аъзолари билан ҳам қисқа муддатли ўзаро йиғилишлар мунтазам йўлга қўйилиб, уларда тадбиркорлик субъектларида руҳсатсиз текширувларга барҳам бериш масалалари билан бирга бундай ҳолатларга мутлақо йўл қўйилмаслигига эришиш даркорлиги, ҳўжалик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувлар юзга келган ҳолда бевосита назорат органлари раҳбарлари ва масъул ходимларига нисбатан жиноий жавобгарликка тортилгунга қадар чоралар кўрилиши хусусида оғохлантирилиб борилмоқда.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

*Фармон ва ижро*

**ТЕКШИРУВЛАР  
ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ**

**Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга киритилган бир қатор ўзгаришлар ва қўшимчалар туфайли мамлакат иқтисодиётида сезиларли ижобий натижаларга эришишга муваффақ бўлинаётган. Жумладан, бозор шароитининг энг мақбул шакли ҳисобланган кичик бизнес тузилмаларининг изчил ва барқарор ривожланиши учун кўплаб имтиёзлар жорий этилди.**

лар туман ҳудудий комиссияларида ҳам давом эттирилмоқда, — дейди Мировоб тумани ҳудудий комиссиясининг масъул котиби Гуларо Пайзиева. — Хусусан, туманимизда жорий йилнинг амалдаги чораги ичида 133 та ҳўжалик субъектларини режали текширувлардан ўтказиш белгиланган. Фармонда кўрсатиб ўтилганидек, ушбу рўйхатдан 58 та микрофирма ва кичик корхоналар, шунингдек айрим бошқа тадбиркорлик субъектлари уларда тўрт ва уч йил давомида текширув ўтказилмаслик шарти билан чиқарилиди. Бу эса текширувлар деярли 40 фоизга қисқараётганидан далолат беради. Кел-

«Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамияти ҳалқ ҳўжалиги учун зарур бўлган замонавий тракторлар ва тиркамалар ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиё минтақасида ягона корхона ҳисобланади.

*Иқтисодиёт*

**КОРХОНАНИНГ ҚУДАРАТИ  
ТЕХНИКАЛАРИ**

Ушбу корхона чет эл технологиялари асосида юқори илмий-техник ишлаб чиқариш салоҳиятига эга. Корхона маҳсулотларини Европа, Осиё, Лотин Америкаси мамлакатларида ҳам урчатиш мумкин. Заводнинг барча тармоқлари қишлоқ ҳўжалиги учун техникалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Корхона тарихига қисқача назар ташлайдиган бўлсак, 1970 йилдан заводнинг бош йиғиш конвейериди пахтачиликка мослашган биринчи трактор тайёрлиниб, ҳозирги кундаги замонавий техникалар яратилишига асосий замин бўлган. Айни пайтда заводнинг қўйиш, пайвандалаш, механик йиғув, термо гальваник, тиркама ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш каби 15 га яқин цехларида майда деталлардан қудратли техникалар ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирда заводда тайёрланаётган агрегат турлари ўндан ошқини ташкил қилади.

Асосий маҳсулотлар — тракторлар ва тиркамалардан ташқари «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамиятида мини-тракторлар учун тиркамалар ички корпусли плуглар ҳамда ер текислагичларни ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Бунга асосан заводда «Кастинг» ва «Аланга» шўба корхоналарни ташкил қилинди. Шунингдек, 2003 йилда яна иккита — «Технопласт» ва «ТТЗ Металл» қўшма корхоналари фаолият бошлаган.

Айни пайтда завод маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритмоқда. Шуниси аҳамиятлики, муваффақиятли иш олиб бормоқчи бўлган ҳар қандай корхона ҳозирда хорижий ҳамкорлар билан алоқани мустаҳкамлаш йўлидан боради. Ушбу корхона ҳам Россия, Қозғоғистон, Туркия, Югославия, Литва давлатларидаги ҳамкорлари билан яхши алоқани йўлга қўйган бўлиб, маҳсулот экспортида бу ҳамкорлик катта роль ўйнаши табиий. Қишлоқ ҳўжалик техникалари экспортини жонлантириш мақсадида 2006 йилда «Promindustries» Туркия—Ўзбекистон қўшма корхонаси ташкил қилинди. Туркияда фаолият бошлаган ушбу

корхонанинг ташкил этилиши завод маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ошишига олиб келди.

Акциядорлик жамиятининг ўтган йилги ишлаб чиқариш кўрсаткичига эътибор берадиган бўлсак, соф даромад 52 миллион сўмни ташкил қилган. Жорий йилда эса завод 45 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Корхонанинг моддий техник негизини янада мустаҳкамлаш мақсадида заводда янги турдаги корхоналар ҳам ташкил қилинди. Савй-ҳаракатлар асосида «ТТЗ-даст» ва «ТТЗ-асбоб» деб номланган мустикал корхоналар юзга келди. Ҳозирда ушбу корхоналарнинг механик цехларида трактор учун эҳтиёт қисмлар ва асбоб-ускуналар тайёрланмоқда.

Албатта, янги технологиялар иш вақти ва иш кучини бирмунча тежаб, меҳнат унумдорлигини оширади. Ана шу мақсадда заводни янги технологиялар билан таъминлаш учун давлат қўллаб-қувватлаш дастури бўйича 395 миллион сўм маблағ сарфланди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, маҳаллийлаштириш дастури асосида иш олиб бораётган завод маҳсулотлари учун бутловчи қисмлар шартнома асосида «Тошқишлоқмаш», «Чирчиққишлоқмаш» очик акциядорлик жамиятлари ҳамда «Агрегат», Фарғона нефтни қайта ишлаш заводларидан сотиб олинмоқда.

Шуниси аҳамиятлики, бугунги кунда буюртмаларга кўра тўрт гилдиракли олднинг тўртувчи қисмили тракторларга талаб юқори. Ушбу тракторнинг олд ва орқа гилдираклари бир хил куч ва тезликда айлануш қувватига эга бўлиб, ёқили ҳажми бир неча баробарга тежалиши билан ажралиб туради. Ҳозирда ушбу тракторлар Россия, Нигерия давлатларига экспорт қилинмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган йили корхона томонидан 3 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот экспорт қилинган бўлса, бу йил бу рақам 4 миллион АҚШ доллари миқдорини ташкил қилмоқда.

Орзуғул РУСТАМОВА

*2005 — Соҳат-саломатлик йили*

**ОИЛА ШИФОКОРИ  
ЭЛ ХИЗМАТИДА**

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида иш юритишнинг янги шакллари ва услублари жорий этилаётган. Оила шифокори тизими ана шундай янгиликлардандир.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасидан ўЗА муҳбирига маълум қилишларича, пойтахт шифо муассасаларида бу тизим босқич-хам босқич ҳаётга таъбиқ этиляпти. Оилавий поликлиникаларда фаолият юритаётган беш юз нафар умумий амалиёт шифокорларининг ҳар бирига 300-350 оила бириктирилган. Бунда ҳар бир оила учун алоҳида паспорт юритилиб, оила аъзоларининг ижтимоий ҳолати, турмуш тарзи ҳақидаги барча маълумотлар қамраб олинапти. Бу оила аъзоларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш йўналишларини белгилашда муҳим омил бўлаётган.

— Оила шифокори тизими талай афзалликларга эга, — дейди пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 8-оилавий шифохона бош шифокори Мунира Муҳиддинова. — Шифокорларимизнинг кенг аҳоли орасига чўқур кириб бораётгани тиббий хизматни ҳар бир оилга янада яқинлаштириш ва сифатини ошириш имконини бераётган.

Бизнинг шифохонамиз олти маҳалла аҳолисига хизмат кўрсатади. Йигирма нафар шифокорнинг ҳар бирига қарийб уч юзтадан оила бириктирилган. Улар ўзларига тегишли оилаларнинг тиббий-психологик, ижтимоий-иқтисодий аҳоли ҳақида муфассал маълумотга эга.

Шифокорларимиз ўзларига бириктирилган оилаларга касалликларнинг олдини олиш, тўғри ташхис қўйиш, аниқланган хасталикларни ўз вақтида даволаш, иммунология, санитария-эпидемиология, реабилитация ва бошқа йўналишларда зарур тиббий ёрдам кўрсатапти. Бу борада вояга етмаганларни тиббий-ижтимоий муҳофазалаш, баалоғат ёшидаги қизлар ва ўсмирларни тиббий кўришдан ўтказиш, юқумли касалликларга қарши эмлашни ўз вақтида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Сихат-саломатлик йилида шифохонамизга келтирилган замонавий тиббий асбоб-ускуналар тиббий кўришни янада юқори ташкил этиш имконини бермоқда. Ихчам ва қулай тиббий ҳизмат кексалар, ногиронлар, оилавий шифохоналарга белгиланган вақтда мурожаат қилмаган бошқа оила аъзоларини бевосита ўз уйида тиббий текширувдан ўтказишда қўл келяпти.

Оила шифокори тизимининг жорий этилаётгани касалликларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятни ошириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётган.

Баҳор ХИДИРОВА,  
ўЗА муҳбири

*Иқтисодиёт*

**ЎЗ ХАРИДОРИГА  
ЭГА**

Чиройли, гўзалликнинг энг муҳим кўринишларидан саналади. Эндиликда уй шароитида ҳам сочлар парваршига алоҳида эътибор берадиган вақт келди. Чунки энди сизда «Befa-Lux» шампуни бор.

Айни дамда «BAW Chemicals LTD» Ўзбекистон-Австрия-Ирландия қўшма корхонаси томонидан ана шундай сифатли бир неча турдаги шампунлар ишлаб чиқарилмоқда. 2003 йилда ўз иш фаолиятини бошлаган ушбу қўшма корхона замонавий техникалар билан таъминланган бўлиб, бу ерда тайёрланаётган шампунлар, ювчи воситалари ички бозоримизда ўз харидорига эга.

Нормал сочлар учун, озиқлантирувчи балъзамли, қазоққа қарши, хна экстракти ҳамда ёш болалар учун шампунлар сочларни мустаҳкамлаб, жилдорлигини оширади.

Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар учун ҳам ашё Австралиянинг «BEFA» компаниясидан келтирилади ва қўшма корхона ушбу компания билан доимий, алоқада фаолият юритади.

**КАТТАО КИЧИК  
УЧУН ТАНСИҚ**

Маълумки, ширинликларни ҳажми кичикинтойлардан тортиб биз катталар ҳам севиб истеъмол қиламиз. Албатта, хуштазм, мазали ва ажойиб кўринишдаги конфет ва шоколадлар кимга ҳам ёқмайди дейсиз.

«Zebuniso ona» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ҳам бугунги кунда ана шундай барчанинг жону дили бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда.

0,5 килограммли, полипропилен қадоқларда тайёрланаётган сутли, мевали вафлилар, «Гуливер», «Қизил шапкача», «Маймоқ айиқ» номдаги шоколадли конфетлар, «Олтин калитча», «Мушму» номли сутли конфетлар ишлаб чиқарилаётган корхона ходимлари 200-450 граммли ишида идишларда сунъий асаллар ҳам тайёрлашмоқда.

Шунингдек, бу ерда қандолат маҳсулотларидан ташқари 30 турдаги макаронлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. 900, 750, 400 граммли полипропилен идишларда ҳамда 400 граммли картон қутиларда қадоқланиб, сотувага чиқарилаётган бундай макарон маҳсулотлари ички бозорда ўз харидорини топлмоқда.

Сизга ҳамда яқинларингиз учун энг яхши совға саналган ширинликлар ҳамда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқараётган «Zebuniso ona» корхонаси ходимларининг асосий нияти ҳалқимиз дастурхонини мазали ширинликлар билан тўлдириш.

(Ўз муҳбиримиз)



Таъкидлаш ўринлики, енгил саноят корхоналари ҳужалик фаолиятининг ҳуқуқий асослари тақомиллаштириб, тадбиркорлик самараси учун шарт-шароит яратишга муваффақ бўлишди. Шунинг баърида зарур бўлган моддий-молиявий, техникавий ва меҳнат манбаларига эришиш йўллари икчамлашди. Бунинг натижалари эса жорий йилнинг биринчи ярми якунларида ҳам аққол акс этди. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, бу даврда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 2,9 фоиз, саноят маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2,6 фоиз, экспортга сотилган маҳсулот ҳажми 7 фоиздан ортиқ миқдорга кўналади.

Яна шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, "Ўзбекенгилсаноят" компанияси таркибига кирувчи корхоналар томонидан ички истеъмол бозорини тўлдириб, четга маҳсулот экспорт қилишни кенгайтириш мақсадида ил-ғазлама, тикучилик-трикотаж буюмлари, чинни маҳсулотларининг янги рақобатбардор турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мана шундай сезиларли натижаларга эришишда кейинги йилларда тўқимачилик саноятида ташкил этилган кўшма корхоналарнинг алоҳида ўрни бор.

Истиқбол байрами арафасида эса анъанага кўра тўқимачилик соҳасида яна бир неча корхона ишга туширилди. Ушбу лойиҳалардан қўланган мақсад юртимизда етиштирилаётган пахта толасини қайта ишлаш ҳажминини босқичма-босқич кўпайтириш бўлиб, энг замонавий юксак унумли линия ва ускуналар билан жиҳозланган янги корхоналар олдига республикамизда тайёрланаётган пахта толасининг 50 фоизини қайта ишлаш вазифаси турибди. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширишда, албатта, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Республика тўқимачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори катта оим бўлмоқда. Шунингдек, тўқимачилик саноятига инвестициялар жалб этиш учун 2005-2008 йилларга мўлжалланган дастур тасдиқланган бўлиб, унга кўра республикамизда мана шу даврда 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдорда хорижий инвестициялар жалб қилинган 94 та лойиҳанинг амалга оширилиши кўзда тутилган. Ушбу маблағлар эса корхоналарни қайта жиҳозлаш, модернизация ва тўлиқ реконструкция қилиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш циклига эга корхоналарни ташкил этишга йўналтирилди.

Мустиқлигимизнинг 14 йиллик шодиёналарини арафасида иш бошлаган 6 та корхонанинг бири Қорақалпоғистон Республикасида ва яна бири Тошкент вилоятининг Охангарон туманида очилган бўлса, қолган 4 таси пойтахтимизда фаолият қўраётганнинг алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистонда таниқли саналган ва 1992 йилдан буён фаолият қўраётган "Демир групп" компанияси иштирокида "Паризод" комбинати негизда ташкил этилган "ОйДемир-текстиль" Ўзбекистон — Туркия кўшма корхонасига жалб этилган маблағ қиймати ўртача 17,5 миллион долларга тенг бўлиб, ҳозирда бу ерда 400 киши иш билан таъминланган. Қўшма корхонада тикучилик ва трикотаж буюмлари, яъни эркалар поло кўйлаг, шортиги ва ички ҳамда ташқи бозорда хариддоригр пайпоқлар тайёрланади ва хорижга экспорт қилинади. Ҳозирда корхонада иккита катта — пайпоқ ишлаб чиқариш ва тикучи цехларида маҳаллий йилгит-қизлар меҳнат қилишмоқда. Йилга 10 миллион жуфт пайпоқ ҳамда 5 миллион донадан зиёд тикучилик ва трикотаж маҳсулотлари тайёрланиб дунёнинг йирик давлатларига экспорт қилинади. Шунингдек, "Демир групп" компанияси ташкил қилган 2008 йилгача юртимизда бошқа лойиҳаларни ҳам амалга ошириб, йиллик экспорт ҳажминини 50 миллион долларга етказишни режалашгани ҳам республикамизда хорижий сармоядорларга яратилган шарт-шароитлар

самарасидир.

Корхона цехларининг энг замонавий тўқуш, буюш, тикув, дазмол босиш, қуришти ва ёйиш ускуналари билан жиҳозланганлиги ҳамда уларни бошқараётган ишчиларнинг ўқитилганлиги маҳаллий хом ашёдан жаҳон андозларига тўла

риянинг "Зеромакс" фирмаси томонидан ташкил этилган бўлиб, лойиҳанинг умумий қиймати 1,8 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, лойиҳага кредит маблағлари жалб этилмаганлиги билан аҳамиятлидир. Катта миқдорда экспортга чиқарилиши мўлжалланаётган корхона маҳсулотлари мамлакатимиздаги бошқа саноят корхоналарида тайёрланаётган мато ва маҳсулотлардан тикилади. Йиллик қуввати эса 2,5 миллион донга тайёр трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришга тенг. Келгусида эса ишлаб чиқариш қувватини ошириш натижасида яна 400 тадан зиёд ишчи ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Юқоридagi лойиҳаларнинг 3 таси "Асака" акционерлик тижорат банки томонидан молиялаштирилди. Таъкидлаш жоизки, лойиҳаларнинг барчаси тўғридан тўғри жалб этилган хорижий сармоялар ва ҳукуматимизнинг қаролатисис берилган кредитлар ҳамда хорижий сармоядорлар шахсий маблағлари ҳисобига амалга оширилди. Сарф қилинган маблағлар ичида сармоядорларнинг шахсий маблағлари 49,4 миллион АҚШ доллари ёки лойиҳаларнинг умумий ҳажмидан 73 фоизини ташкил этади.

Республикамизда ушбу янги корхоналарнинг ишга туширилиши қўшимча равишда 5,1 миң тонна пахтадан йигирилган ил, 7,9 миллион метр газлама, 22,1 миң тонна булган трикотаж мато, 25,5 миллион донга трикотаж ва 5 миллион донга тикучилик буюмлари ишлаб чиқариш имконини берди. "Ўзбекистонда тайёрланган" ёрликли экспорт буюмлари ҳажминини орттирди. Негаки янги очилган корхоналар катта экспорт салоҳиятига эга бўлиб, уларнинг йиллик экспорт қиймати 48,8 миллион АҚШ доллари миқдорига баҳоланади. Уларнинг аввалги 5 йил мобайнида амалга оширилган лойиҳалардан асосий фарқи — лойиҳалар тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришда. Ички бозорни тайёр товарлар билан тўлдириб 2,8 миң кишини, асосан аёлларни янги иш ўринлари билан таъминлади.

Бундан ташқари 2005 йилнинг якунига қадар хорижий сармоялар иштирокида умумий қиймати 42 миллион АҚШ долларига тенг 30,5 миллион АҚШ доллари миқдорига экспорт салоҳиятига тенг булган яна 3 та тўқимачилик корхоналарини ишга тушириш ҳам режалаштирилмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, юртимизда бундай енгил саноят ва тўқимачилик корхоналарини ташкил этилаётгани ушбу соҳа учун давр талабига мос кадрлар тайёрлаш, уларнинг билим ва малакаларини ҳам мунтазам равишда ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам Тошкент тўқимачилик ва енгил саноят институтида Германия ва Швейцариянинг "Shlafport, Sauer Group" фирмаларининг гранти асосида замонавий йилгивуш дастгоҳлари билан таъминланган ихтисослашган ўқув марказининг иш бошлаши эътиборга молиқдир. Ушбу ўқув марказида пахта хом ашёсининг аралаштирувчи, тозаловчи, лилталовчи, пишиқловчи, пневмамеханик йилгирини, қайта ўраш, калавани пиштиш ва ҳавони тозалаш бўйича ускуналар мавжуд бўлиб, бу талабаларга олган назарий билимларини ўқитишда амалиётларда яқинда мустақамлаш, тўқимачилик соҳаси бўйича илмий изланишлар олиб бориш ҳамда рақобатбардор маҳсулотлар яратишга ҳисса қўшишда нахшда қўл келади.

Сирасини айтганда, енгил саноятда ва тўқимачилик соҳасида кейинги йилларда амалга оширилаётган бундай лойиҳалар мамлакатимиз иқтисодий ривожига муҳим ўрин тутиб, аҳолининг сифатли товарларга бўлган талабини қондириш бораберида, юртимиз экспорт салоҳиятини ҳам юксалтиради, излаб кишиларни иш билан таъминлаб, фаровонликка омили бўлади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
СУРАТЛАРДА: яқиндагина иш бошлаган "ОйДемир-текстиль" кўшма корхонаси фаолиятдан лавҳалар.

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Енгил саноят*

## ДАСТУР ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Республикамиз енгил саноятида мустақилик йилларида бир қатор **ижобий ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов ташаббуси ва соҳага қаратган катта эътиборлари боис республикамиз тўқимачилик саноятида босқичма-босқич таркибий ўзгаришлар, техник модернизация ва корхоналарни замонавий қайта жиҳозлаш ишлари бажарилмоқда. Шунингдек, янги корхоналар ишга туширилиб, хорижий инвестицияларни жалб этишда фаоллик кўрсатилляпти.**

жавоб берувчи рақобатбардор маҳсулот тайёрлашда, уларни "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан четга экспорт қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Энг йирик лойиҳалардан ҳисобланган "Байтекс тижорат" хорижий корхонасининг умумий қиймати 21 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, у туркиялик ишбилармон ва тадбиркор Этхем Халук Бағтининг тўғридан тўғри сармоялари ҳисобига ташкил этилди. Собир Раҳимов туманида иш бошлаган корхонада 800 киши иш билан таъминланди. Корхонанинг экспорт салоҳияти хусусида тўхталадиган бўлсак, 11 миллион АҚШ долларига баҳоланган. Корхона йилга 5,2 миң тонна хом трикотаж мато, 15,5 миң тонна булган ва пардозланган трикотаж мато ҳамда 6 миллион донга трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонанинг биринчи босқичида ил-йилгивуш фабрикасини қуриш кўзда тутилган бўлиб, бу ўз навбатида пахта толасини мукамал қайта ишлаб, тугалланган цикли ишлаб чиқариш корхонаси барпо этиш имконини беради. 65 миң квадрат метрида ишлаб чиқариш майдонлари фаолият қўраётган хорижий корхонанинг умумий майдони 125 квадрат метрни ташкил этади.

— Шу боис ҳам лойиҳамизнинг иккинчи босқичини ҳам амалга оширишга киришиш ниятидамиз, — дейди корхона бош директори Этхем Халук Бағтли. — Бунинг учун Ўзбекистонда хорижий сармоядорларга яратилган шарт-шароитлар, берилаётган имкониятлардан, албатта, самарали фойдаланамиз.

Йил охиригача корхонада ишлаб чиқариш ҳажмининг ортинчи ҳисобига ишчилар сонини 1400 нафарга, 2006 йилда эса 2700 нафарга етказиш, келгуси йилда экспорт ҳажминини 25 миллион долларга етказиш кўзда тутилмоқда. Энг замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган буюш, қуришти, бичиш-тиқиш, ўрма-трикотаж ва нақш тушириш цехларида айни кунларда жаҳон андозларига мос кийим-кечаклар тайёрланмоқда. Ушбу товарлар Америка, Германия, Англия ва Россия давлатларига экспорт қилинади.

Яна бир кўшма корхона "Тоштекстиль" эса Ўзбекистон — Германия — Туркия давлатлари ҳамкорлигида иш бошлади. "Тоштекстиль" акциядорлик жамиятининг фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонини негизда ташкил этилган ушбу корхонанинг муассислари мазкур жамият, Германиянинг "Шульц" ва Туркиянинг "Мимекс групп" компанияларини саналади. Лойиҳанинг умумий қиймати эса 14 миллион еврони ташкил этади.

"Тоштекстиль"да йилга 3850 тонна булган трикотаж мато, 6 миллион донга трикотаж маҳсулотлари тайёрланиб, экспорт салоҳияти 10 миллион АҚШ долларига тенг. Унинг Америка, Германия, Италия фирмаларида ишлаб чиқарилган технологик ускуналар ўратилган цехларида 700 нафар йилгит-қиз иш билан таъминланди.

Шаҳримизнинг "Қоратош" даҳасида ҳам "Мурваттекс" хорижий шўба корхонасининг очилиши натижасида 240 киши иш билан таъминланди. Ушбу янги тикучилик корхонаси Швейцар

*Сайқал*

### ҚАЙТА САЙҚАЛ ТОПГАН СПЕКТАКЛЬ

Республикамизда миллий эстрада қўшиқчилигини йўлга қўйишда фидойилик қилган сеvimли санъаткор Ботир Зокиров ҳақида қатор асарлар яратилган. Унинг жўшқин образи сахна асариди ҳам ўз бадиий ифодасини топди.

Тошкент Давлат мусикали (опера) театри бундан тўрт йил аввал ана шу спектаклни тайёрлаган эди. Актёрлар бу постановкага янги мазмун, кўтаринки руҳ бахш этиш мақсадида уни қайтадан сахналаштиришга киришдилар.

"Кафтдаги қалб" деб номланган бу опера театрнинг янги ижодий мавсумида томошабинларга тақдим этилади. Аини вақтда бу янги постановка театрнинг ижодий сафарига дастурига ҳам киритилди.

### БАДИЙ КОМПОЗИЦИЯ — САҲНАДА

Буюк немис шоири ва драматурги Фридрих Шиллер вафотининг 200 йиллиги муносабати билан халқроқ доирада мусика кечалари уюштирилди. Бу сана республикамизда ҳам ишонланди.

"Фридрих Шиллер хотирамида" деб номланган бадиий композиция ҳам таёрланди. Германиянинг Ўзбекистондаги элчиюни саъй-ҳаракати билан сахна юзини кўрган бу мусикали дастур Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театрининг бос режиссёри Андрей Шломин томонидан постановка қилинди.

Мазкур санъат қўнарасининг етакчи актёрлари Шиллер асарларига басталанган қўшиқ ва романсларни ижро этдилар. "Дон Карлос" операсидаги ария ва дуэтлар эса Кўрқмас Муҳитдинов, Нурмўмин Султоннов каби ҳушовоз хонандалар томонидан махорат билан қуйланди.

### МУЗЕЙШУНОС САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН

Республикамиз пойтахтида бир неча уй-музейлари фаолият қўраётмоқда. Уларнинг тузилиши ва экспозициялари шинам бўлиши билан бирга ўзига хос лойиҳа асосида бунёд этилган.

Пойтахтимиздаги Анна Ахматова музейи фаолиятини йўлга қўйишда музейшунос Альберта Марковичнинг хизматлари катта бўлди. Бу даргоҳнинг клуб-музей кўринишида бўлишини таъминлашда бу зейкор ўз билим ва махоратини ишга солди.

Мана етти йилдирки, томошабинлар учун сеvimли масканга айланган бу даргоҳга А. Маркович раҳбарлик қилиб келмоқда.

Унинг саъй-ҳаракати билан Тошкентдаги шоир Сергей Есенин музейи ҳам ташкил этилди. Унинг экспонатларини бойитишда ҳам музейшунос билан бамаблахат иш қўрилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган кенг ислохотлар, ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, маърифатини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Жумладан, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳам Марказий Осиёда мусиқа соҳасида юзага келган биринчи олий ўқув юрти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан 2002 йил 22 мартдан Ўзбекистон Давлат консерваторияси янги кўркам ва мухташам бинода ўз фаолиятини бошлади.



*Маърифат масканларида*

**МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЯТ ҲОҶИ**

Энг замонавий ускуна ва жиҳозлар, чолгулар билан таъминланган ажойиб санъат қошонасининг умумий ҳажми 35,180 м<sup>2</sup> бўлиб, 305 та аудиторияга эга. Шунингдек, 4 та концерт зали, 4 та овоз ёзиш студияси, «Миллий чолғу» музейи, ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот маркази, «Мусиқа» нашриёти, фонотека, 4 та спорт залида ўқитувчи, талабалар учун ўқув, илмий-ижодий, ижрочилик ва тадқиқий ишларни самарали олиб беришлари учун барча шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилган.

И.Ражабов, И.Ақбаровларни алоҳида тилга олиш мумкин. Айни пайтда ушбу олий масканда 49 нафар профессор, 70 дан зиёд доцент ҳамда 38 нафар фахрий унвон соҳиблари самарали фаолият кўрсатмоқдалар. Улардан Ўзбекистон халқ артистлари С.Қобулова, Т.Алимов, З.Ҳакназаров, К.Муҳиддинов, Ф.Зокиров, М.Тошматов, И.Жалилов, М.Йўлчиева, Н.Абдуллаева, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоблари О.Юсупова, Ф.Яновский, А.Одилов, Т.Гофурбеков, Р.Юнусов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар К. Усмонов,



Осиё ва жаҳон халқлари мусиқа ижодиёти ва тарихи, мероси ва ижрочилик масалаларига бағишланган. Фақатгина мустақиллик даврида профессор-ўқитувчиларимизнинг муаллифлигида 80 дан зиёд илмий тадқиқотлар, дарсликлар, ўқув қўлланма ҳамда нота тўпламлари нашр юзини кўрди.

— Ҳозирги кунда консерватория қошида иқтидорли болалар академик лицейи ҳам фаолият кўрсатиб, унда 1000 дан зиёд ўқувчи тахсил олмақда,— дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Давлат консерваториясининг ректори Дилора Муродова. — Ўқув юрти-мизда 6 та факультет, 24 та кафедраларда бакалаврият, магистратура, ассистент-стажерлик, аспирантура ва малака ошириш босқичлари мавжуд. Шу билан бирга консерваториянинг таълим тизимида Европа мумтоз йўналишлари (фортепиано, торли ва дами чолгулар, хор ва опера-симфоник дирижёрлиги, академик хонандалиги) билан бир каторда ўзбек миллий ижрочилиги (ўзбек халқ чолгулари, ўзбек анъанавий хонандалиги ва чолғу ижрочилиги), оммавий маданият (эстрада хонандалиги, эстрада чолғу ижрочилиги) ва анъанавий технологиялар мутахассисликлари (мусиқий овоз режиссёрлиги) бўйича ўқитиш таъмин этилган. Консерватория 1936 йилда ташкил топган бўлиб, кўп йиллик тарихга эга. Шунингдек керакки, таълим маскани жамоасининг иждоий тарихини, юқори малакали кадрларни тайёрлашга йўналтирилган ишларни бир қатор таниқли санъаткорларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Жумладан бастакорлардан М.Ашрафий, А.Козловский, Г.Мушель, Б.Гиенко, Х.Рахимов, пианиночилардан Н.Яблоновский, хонандалардан Н.Хошимов, мусиқашунослар

Б.Салихов ва бошқа ўнлаб санъаткорларнинг номлари нафақат республикамизда, балки жаҳон мусиқа оламида эътироф этилиб, Ўзбекистон мусиқа санъатининг обрўси ва шон-шухрат келтирмоқда. — Консерваторияда ўқув жараёни билан бир қаторда иждоий фаолият муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ўқув юртимиз қошида мусиқали театр-студиясининг симфоник оркестри ва хори, танабалар симфоник оркестри, ўзбек халқ дами ва эстрада чолғулари оркестрлари ва ансамбллари, хор жамоалари, торли чолғулар кватрети фаолият кўрсатиб, турли шаклдаги концерт дастурлари билан сахнага чиқмоқда, — дейди консерваториянинг Маънавий ва маърифий ишлар бўйича проректори Рифатилла Қосимов. — Консерватория жамоаси йилга 300 дан зиёд концертлар тайёрламоқда. Айни пайтда консерваториянинг концерт-ижрочилик фаолиятига 80 дан зиёд республика ва халқаро танловлар совриндорлари уларнинг муносиб хиссаларини қўшишмоқда. Консерваториянинг илмий йўналишдаги фаолияти асосан Марказий

Шуни айтиш жоизки, мазкур ўқув даргоҳида маънавий-маърифий ишлар ҳам самарали йўлга қўйилган. Шунингдек, маънавий-ахлоқий тарбия соҳасида ҳар бир талаба олдида бутун фаолиятини она диёрига ва унинг буюқ тақдирини билан чамбарчас боғлашга, аждодлар меросини, маънавий сарчашмаларини чуқур ўрганиш, бойитиш, маънавий кадриятларни ҳурмат қилиш талаблари, миллий санъатимиз равангига ҳисса қўшиш, анъанавий ва мумтоз мусиқа меросимизни ардоқлаш каби вазифалар қўйилган. Соҳа мутахассислари ҳамда тиббиёт назар ташлаб бу маънавий ўчоғида эришилган ютуқлар консерваторияни республикамизда мусиқа санъати бўйича ушбу олий масканда муҳим аҳамият касб этмоқда. Дарҳақиқат, мазкур санъат қошонасининг фаолиятига назар ташлаб бу маънавий ўчоғида эришилган ютуқлар консерваторияни республикамизда мусиқа санъати бўйича ушбу олий масканда муҳим аҳамият касб этмоқда. Дарҳақиқат, мазкур санъат қошонасининг фаолиятига назар ташлаб бу маънавий ўчоғида эришилган ютуқлар консерваторияни республикамизда мусиқа санъати бўйича ушбу олий масканда муҳим аҳамият касб этмоқда. Дарҳақиқат, мазкур санъат қошонасининг фаолиятига назар ташлаб бу маънавий ўчоғида эришилган ютуқлар консерваторияни республикамизда мусиқа санъати бўйича ушбу олий масканда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фикримизга аниқлик киритадиган бўлсак, комил инсон тушуниши инсоннинг ҳар жиҳатдан ахлоқий, илмий ва бошқа соҳаларда энг юксак камолотга етган ҳислатларини кўзда тутати. Комиллик, бу — инсоннинг ўз ҳаёти давомида қилган ҳамма ишлари руҳий эътиқод билан сўғорилиши демакдир. Бугунги кунда халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтиришга катта эътибор берилмоқда. Асрлар давомида етти иқлимга донг таратган Беруний, Абу Али ибн Сино, Амир Темур ва Бобур, Навоий ва Улуғбек каби комил инсонлар доимо хурият сари интилиб яшаганлар. Бугунги кунда эса буюқ алломуларимизнинг асарларидан мутлола қилиб, комил инсон гоёси ҳақида,


*Мулоҳаза*

**ҚАДРИЯТЛАРИМИЗДАН ИБРАТ ОЛАЙЛИК**

Биз — XXI аср ёшлари учун ҳар бир соҳада барча шарт-шароитлар яратилган, хоҳлаган касбимизни танлаш ҳуқуқи берилган, ўз интеллектуал имкониятларимиздан кенг фойдалана оламиз. Билимимизни чархлаш, тафаккуримизни ривожлантириш йўлида, жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган ўқув юртларида ўқим оламиз. Шунингдек, маънавий дунёқарашимизни шакллантириб, ўз ишимизнинг билимдони бўлишимиз мумкин. инсон маънавияти, ватанпарварлик тушунчаларини англашимиз мумкин. Бунда албатта, биз талабалар учун ўқув дастурларимизга Миллий истиқлол гоёси, Маъна-

буюқ алломамиз, сўз санъатининг устаси мир Алишер Навоий: «Оламдан ғамсиз ўтай десанг, илму хунар ўрган, дунёдан камолотга етмай ўтиш, ҳаммомдан тоза бўлмай чиқишининг ҳудди ўзи», деганлар. Еш авлодни ватанпарвар, билимли, энг яхши фазилатларга эга бўлган инсонлар этиб етиштиришда тарбиянинг ўрни катта. Яхши тарбия-ёш авлод камолотининг юксаклигини таъминловчи омилдир. Шундай экан, биз ёшларга маърифат, зиё нурини сочаётган муаллимларимизни доимо эъзоз-лайлик, комиллик сари интилайлик! **Одоб ила сен улуглик олгин, Ҳикмат гавҳарин кўйининг солгин.** Юлдаш УСМОН

**Маънавият — ақл кўзгуси**



Зухра Раҳматуллаеванинг олиб бораётган ишлари бунга яққол мисол бўла олади. Бу метин иродали, сабртоқатли, маънавий дунёси кенг, бағри очиқ аёл ногиронлигига қарамай изланиб, интилади. Ноғиронларнинг ҳам ҳаётда ўзига хос ўрни, мавқеи мавжудлигини исботлади. 2000 йилда Тошкент шаҳар ногирон аёллар ва болалар «Маънавият ва маърифат» марказини ташкил этди.

— Мен ҳаётда ногиронларнинг нималарга қодир эканлигини уларнинг қўлидан ҳар қандай иш келишини исботлашга уриндим ва бунга имкон қадар эришдим ҳам. — дейди Тошкент шаҳар ногирон аёллар ва болалар «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Зухра Раҳматуллаева. — Марказимиз ногирон аёлларни ва болаларни меҳнатга ўргатиш билан бирга уларнинг ҳаётда мустақил қадам ташлашларига замин яратмоқда. Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, уларнинг етти мучаси соғ, ақли расо, қадди-қомати жойида бўлишига қарамай жаҳонда ҳеч қандай ўрин тутмайди. Хаттоки нима учун яшаётганликлари, мақсадлари нима эканлигини ҳам билмайдилар. Улар соғлиқнинг қадрини, ҳаётнинг гўзаллигини ҳам англашга қодир эмаслар, ўшандайларни кўрганимда юрагим ўртаниб, эссиз инсон дейман. Ҳаётда одамзот ҳамиша нимагадир умид қилиб интилиб яшаши керак.

Дарҳақиқат, умринг мазмуни меҳнатдан иборатдир. «Фақат маънавий соғлом, кучли жаҳиятгина ислохотларга тайёр бўлиши мумкин», деган эдилар Юртбошимиз. Инсон ногирон бўлсада, унинг қалб дунёси бутун бўлса ўз ҳаётига ўзи нур бағишлаши янглик эмас. Бугунги кун-

Бу ерда яшашга бўлган қизиқишим аянада ортди. Ўзимнинг нималарга қодир эканлигимни шу ерда тушуниб етдим. Заргарликнинг нозик сирларини ўрганмоқдаман. Зухра опаимнинг беғараз ёрдамлари боис бугунги кунда «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловига ҳам тайёргарлик кўрмоқдаман. Мен бу ерга келиб бир нарсанга амин бўлдимки, инсон ҳеч қачон тушунликка тушиб қолмаслиги керак. Фақат олдинга интилиши, яхши ниятлар билан ўқиб-ўрганиши зарур экан. Шундангина ҳаёт гузал, яшаш янада мароқли бўлади.

Марказда хунар ўрганаётган қизлардан Феруза Абдуқодирова, Моҳира Собирова, Дилноза Хасанова, Зухра Ражабова мазкур даргоҳ уларнинг ҳаётларида нечоғлиқ улкан аҳамиятга эга эканлигини, улар тийибган заргарлик буюмлари нафақат Ўзбекистонимизда, балки чет элларда ҳам олқишу таҳсинларга сазовор бўлаётганини кувонч билан хикоя қилдилар. Мақоламизга нуқта қўйишдан олдин шу нарсани таъкидламоқчи эдикки, одамзот соғу, ногиронлигидан қатъи назар келажакка ёрқин назар ташламоғи жоиз. Шоир айтганидек: **Тақдирни қўл билан яратур инсон, Ҳойибдан келажак бахт бир афсона...** **Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА:** Тошкент шаҳар ногирон аёллар ва болалар «Маънавият ва маърифат» маркази фаолиятдан лавҳалар. **Ҳакимжон Солихов олган суратлар.**

*Марказлар фаолиятини*

**ҲАЁТГА ВА МЕҲНАТГА ИШТИЁҚ СЎНМАСИН**

Халқимиз азалдан меҳнатқашлиги, маънавий жиҳатдан эса, эзгуликка интилиб яшаши инсонга муносабатининг гоёат ибратли жиҳатларини турмуш тарзига айлантиргани билан ҳам ажралиб туради. Фаолияти натижасини фахру ифтихор билан умумий меҳнат натижаси деб билади ва шу билан гурурланади. да Зухра опа бош бўлган марказда 198 нафар қизлар хунар ўрганиб, заргарлик сирларини пухта эгаллаб, компьютер илмидан воқиф бўлишмоқда. Уқув марказида заргарлик, меҳнат-созлик, компьютер, ёнғимайкорлиги каби турли тарғаблар фаолият юртимокда. Зухра Раҳматуллаева Америка, Финляндия, Япония каби бир қанча хорижий мамлакатларда бўлиб, ногиронлар малакасини ошириш курсларида таҳсил олиб келди. Ўз малакаси ва билимидан ўқувчиларига ўргатади, таасиротлари билан ўртоқлашади. — Мен автомобиль халокатидан сўнг ногирон бўлиб қолганман. Ҳаётдан бунду умидимни узиб қўйганим, — дейди Назоқат Шокирова. — Мана бир йилдан бери шу марказга қатнайман.

*Мулоҳаза учун навъу*

**ҲАР НАРСАНИНГ МЕЪЁРИ БОР**

Давр ва тақдир тақозоси билан Чилонзордаги кўп қаватли уйларда яшаймиз. Шундай бўлгач, ҳовлимиз ҳам, йўлақаримиз ҳам умумий. Юқори ёки қуйи қаватлардаги қўшнилари каттиқроқ йўталишса, аксиришса ҳам юпқа деворлар орқали унинг акс садоси даров бизгача етиб келади. Шунинг учун инсонийлик нуқтаи назаридан бир-биримизни авайлаб, кечки соат 23 дан эрталабки 7 гача ортиқча бақир-чақир, тарақа-туруқ қилмасликка ҳаракат қиламиз. Лекин барибир кўпчиликнинг иши қийин бўлар экан. Баъзан ярим тунда қимдир қўлига болғами, болта олиб, деворгами, полгами қоқадими-ей, ёнғоқ чақадими-ей. Ёки магнитфоннинг овозини баланд қилиб қарнайни айвонга олиб чиқиб қўяди. Чўчиб уйғониб, ўйинг қочади, асабинг бузилади. Яқинда юқори қаватдаги қўшнимизнинг яқин қадрдони машинасини учуриб келиб, йўлагимиз олдида тўхтагач, кетма-кет қаттиқ сигнал берди. Ўртоғи ҳадеганда чиқавермагач, машина эшиги тирқишидан тепага қараб, унинг номини айтиб, ўрғи неча марта баланд овозда чақирди. Шу билан денг, бир одамни чақираман, деб бутун бошли кўп қаватли уйдаги деярли барча хонадонларнинг тинчини бузди. Қимматбаҳо енгил машина сотиб олиб, уни бошқаришга ақли бору фақат дид, фаросат, оддий одоб-ахлоқ хис-туйғуси, тарбия етишмасди холос. Қолаверса, бундай нохуш хатти-ҳаракат, ярамас одатлар деярли ҳар қадамда учраётгани сир эмас.

Демоқчиманки, ҳаётда ҳар бир нарсанингни ўз вақти-соати, меъёри, ҳадди, чегараси бор. Шовқин-суронлар меъ-ёрдан ошса, албатта юрагинг безовта бўлади, қон босиминг ошади, қулогинг шаңғилади, бошинг ғувил-ғувил, ишингда унум йўқ, уйқинг бузилади. Айниқса, жаҳон миқёсида ишлаб чиқаришда ҳамда транспорт воситалари тараққиёти йилдан-йилга тобора ривожланиб, йирик шаҳарларда шовқин-сурон миқдори меъёрдан 10-12 децибалдан ошиб кетаётганлиги ниҳоятда ташвишлидир. Дарҳақиқат, олимлар таъкидлашганидек, шовқин ҳозирги замон офати ва техника тараққиётининг энг нохуш ва зарарли маҳсулидир. Аҳамият берсангимиз, биргина пойтахтимиз Тошкентнинг ўзида бир кеча-кундузда озмунча транспорт воситалари ҳаракат қилади. Кўчаларда йўловчилар кўпайган вақтларда уларнинг сони тахминан нечага чиқишини бир ҳисоблаб кўрсангиз? Ишлаб чиқариш ривожланган мамлакатларда транспорт шу қадар кўпайиб кетганки, АҚШ, Канада, Австралия, Швейцарияда 2-3 кишига 1 та, Германияда Франциёда 3-4 та автомобиль тўғри келади. Бизнинг юртимиздаги деярли ҳар бир хонадонда ўрта ҳисобда 1-2 та транспорт воситаси бор. Умуман олганда, бутун ер юзидан 700-800 миллиондан зиёд турли транспорт воситалари мавжуд. Бундай ҳолатда одамзодни чанг, газ ва қўланса ҳидлар бутунлай ўз домига тортиб, ютиб юбориши мумкин-ку? Бундай зарарли чиқиндилар, кўтарилаётган шовқин-суронлар одамлар саломатлигига озмунча зарар етказаяптими? Энг муҳими, бундай нохуш қўрқинчиларга биз қандай муносабатда бўлмоқдамиз? Уларни бартараф этишда фаол катнашяпмизми, шахсий ва умумий гигиена қоидаларига риоя қилаяпмизми? Худди шунингдек, энди кўча-кўй, хиёбон, айниқса бозорлар, дўкон, автобус бекатларида аудиокассеталар билан савдо-сотиқ қилиб, овоз кучайтиргичларни баланд пардага қўйиб, ўтган-кетганларнинг қўлоқларини қоматга келтираётган, аввало ўзларининг нозик асабларини қақшатаётган айрим ёшларга нима дейсиз? Метро бекатларига ўрнатилган баҳайбат телевизорлардан таралаётган шовқин-суронгачи? «Эчкига жон қайғуси, қассобга мой қайғуси» деганлариек, ҳеч ким уларнинг мушугини «пишт» демайди. Аммо улар тижорат йўлида ўз билганларидан қолишмайди ва қайтишмайди. Бироқ, бунинг эвазига ортиқча шовқин-сурон кўтариш, бошқаларнинг асабини эгловлашди, саломатликларига зомин бўлишади. Бунинг устига айрим ёш-ялангларнинг кўча-кўйда, транспортда айниқса кўп қаватли уйларнинг ҳовлисида қаттиқ гаплашишлари, ярим тунда ҳам бақириб-чақиритишлари, ашула айтишлари, магнитофонларнинг овозини баланд қилиб эшитишлари дард устига чипқон бўлаётир. Сиз бунга нима дейсиз, азизлар?

**Искандар РАҲМОН, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Қуролли Кучлар фахрийси**

## ТАЪЛИМДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамда Осие тараққиёт банкининг Тошкентдаги ваколатхонаси ҳамкорлигида Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларида ахборот-коммуникация технологияларининг миллий стратегиясини жорий этишга бағишланган халқаро анжуман очилди. Унда ўқитувчилар, дастурчилар, педагог-ўқувчилар, телекоммуникация мутахассислари, Интернет хизмати провайдерлари, халқ таълими тизими, халқаро ташкилотлар ва юртимиздаги дипломатик корпус вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон халқ таълими вазирлигининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов, Осие тараққиёт банкининг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари Шон О'Салливан ва бошқалар Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2004-2009 йилларда Мақтаб таълимининг ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида умумтаълим мактабларини компьютер хизматлари билан таъминлаш, уларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш алоҳида йўналиш этиб белгиланганини таъкидлади. Шу билан бирга давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг сентябрь ойида қабул

қилинган қарорга асосан мамлакатимизда таълим ва ёшлар йўналишидаги ахборот ресурсларини «ZiyoNET» ягона ахборот тармоғига бириктириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Интернет хизматининг тобора юксалиб бораётгани, ўқитиш жараёнида ундан тўри ва унумли фойдаланишга бўлган эҳтиёж юртимиз таълим тизимида ахборот-коммуникация технологиясининг миллий стратегиясини изчил жорий этишни тақозо этмоқда. Ушбу стратегия ўзида таълим масканларини ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш орқали таълим сифати

тини ошириш, электрон ўқув дастурларини яратиш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш билим ва кўникмаларини ошириш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Шу мақсадда юртимиздаги қарийб ўн мингга яқин умумтаълим масканини ҳудудий жиҳатдан бир-бирига бириктириш рақамли 860 та таълим мактаб белгиланди. Уларда ахборот-коммуникация воситаларидан тўлиқ фойдаланиш ўзлаштирилади, Интернет хизматининг ўқув жараёнига олиб кирилиши таъминланади.

— Таълимга ахборот-коммуникация технологияларини

жорий этишда электрон дарсликлар, ўқув қўлланмаларини яратиш катта аҳамиятга эга, — деди «Ўзбекўқувавтома-тика» маркази менежери Яздон Мустафоқулوف Ўза мухбирига. — Ҳозир математика, иктисодий билим асослари, информатика, физика каби фанлар бўйича ана шундай замонавий қўлланмалар тайёрланди. Улар қулайлиги, ўзида катта ҳажмдаги маълумотни жамлагани, қамровининг кенглиги билан аҳамиятлидир. Ушбу анжуман бу борадаги ишлар, билим ва тажрибани ҳамкорларимиз, таълим мутахассислари билан атрофлича фикрлашиб олиш имконини беради.

Икки кун давом этадиган тадбирда ахборот-коммуникация технологиялари миллий стратегиясини юртимиз таълим тизимига жорий этишнинг бугунги аҳволи, электрон таълим ва телекоммуникацион имкониятларини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинади.

**Назокат УСМОНОВА,  
Ўза мухбири**

### Шарқ дурдоналари



• ХИКОЯТ. Бир киши ўз ўғлини ҳаёт учун зарур бўлган баъзи фанларни ўрганиш учун муаллимга топширди. Байт:

**Дунёнинг қарори  
илм биландир,  
Илмсиз кишига  
йўқдир эътибор.**

Бир куни муаллим онасига шикоят қилиб: «Ўғлинг илм ўрганишга унамаепти, вақтини ўйин-кулги билан зое ўтказмоқда» — деди. Байт:

**Ҳар инсон  
илмдан тополса  
бахра,**

**Иши ўқиш ила  
саволу жавоб!**

Онаси муаллимдан: «Билолмадингми, унинг табияти қайси касбга мойил, ҳаракати қайси ишга қобил?» деб сўради. Муаллим: «У касб ўрганишдан ўтиб, қобилиятдан маҳрум бўлган. Билишимча, унинг хотири маҳбуб учун нигорон, дили эса маъшук юзига ҳайронга ўхшади:»

**Ўзи меҳнатга  
ожизу боши савдога  
лик тўла,**

**Бугун эртанинг  
фиқри ҳақида  
ўйламас асло!**

Агар мен илму иймондан савол қилсам, у васлу хижрондан гапиради, агар мен ҳалолу ҳаромдан ҳикоя қилсам, у зулф ила ҳолдан оғиз очади». Онаси деди: «Ишқ кўчасидан юришнинг оқибати саломатлик бўлмаса ҳам, аммо бу йўлдан юриш маломат ҳам эмас! Ишқ эйтироби бўлса ҳам, аммо ошиқ бўлиш ихтиёрий эмасдир! Байт:

**Домга тушган  
ночор қўшнинг  
ҳолини,**

**Озод юрган  
бургут билмас ҳеч  
қачон.**

**Қафасдаги  
бўлбўл нолишин  
эса,**

**Ёрла юрган  
каптар сезмас  
бегумон.**

Уни озод қил! Ишқда шундай ҳосият борки, у кишини латофатли, назокатли ва хушёр қиладди!

Байт:  
**Ҳар кимсанинг  
боғи ила  
бўстонлари  
бўлса ҳам,**

**Хушнуд эмасдир  
ҳаргиз унда**

**ёри бўлмаса.  
Кўнгил бермоқ бир  
ровға, ҳаётнинг**

**ўзиги шулдир,  
Жонсиз  
сувратдир кимнинг  
гулузори бўлмаса.**

Ижодкор изланишлари руҳида шарқ ижодиёти, тасвириётининг теран илдиэларига тақалган, ижодий парвози учун ундан мадад олган инсондир. Тупроқка, Кампиртепа, Панжикент, Афросиёб, Болалик тепа топилмалари руҳидан келиб чиқиб, бу қадимий маданият ўчоқларидаги юз берган ижодий силжишлардан мадад олади, изланишларида аждодларимиз қолдирган дурдоналар расомга куч-қудрат бахшида этади. Бёҳзод миниатюралари кудратидан, ифода қўламиндан кувват олиши, Миср, Греция тасвир услубидаги нафислик, бадий қатламларнинг ифодаси расомга илҳом бахшида этади. Жўлдосбек Қуттимурадодов Будда топилмалари, улар ёзиб қолдирган кўлёмза, ўгитларни қалбан сингдириб, ундан ўз кўнгли, зеҳни учун монанд туйғулар олиб, илҳомланади, ўз изланишларига тоза руҳ, юксак ички парвоз билан ёндошади. Ижоднинг боқийлиги, киши қалбини илитувчи, юксакликларга парвоз қилишида бутун вужудини шу маънавий оламга бахшида этаётган

### Савоат селфи

## СЕРҚИРРА ИЖОДКОР

Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Жўлдосбек Қуттимурадодов нафақат Ўзбекистонда, Урта Осие ва Яқин шарқда ҳам ўз изланишлари руҳи билан XX аср ҳайкалтарошлигида катта ижодий кўрик очган расомдир.

ҳайкалтарош, ижод соҳибидир. Миср, грек ҳайкалтарошлиги, бадий ижодининг муסיқийлиги, чизикларнинг жонли ва ифодали, сиқиклиги, теран маънони ўзида жамлаганлиги ҳайкалтарош ижодида йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади. Бу икки маданиятга хос юксак, ички бекиёс кучланиш хусусияти, образларидаги улғуворлик ва кудратли матонат ҳайкалтарош руҳини ўзига тортади. Шу икки қадимий маданият дурдоналарини ҳаёлан кўз олдида ўтказиб, ўзаро кириштириб, кўнгил тубидан ўтказиб янги санъат, ижодий олам яратиб, руҳий дунё кашф этиш Жўлдос Қуттимурадодов изланишларининг асосида, негизда этади. Жўлдосбек Қуттимурадодов Миср ва Греция маданиятини ўз кўзи билан кўриш, ҳис қилиш, бевосита шу инсоният тарихидаги муҳитда бўлиб, уни қалбан ҳис қилиш истагида яшаб келмоқда. Музейлари, қазилмалари, сақланиб қолган ёдгорликлари билан яшаб, ўша узок ўтмиш руҳи анкиб ётган ҳаводан нафас олиб, одамлари, шу улғу маданиятни яратган инсонлар авлоди билан мулоқотда бўлиш, азал-азалдан орзу истаги бўлиб келган. Лекин китоблардаги иллюстрациялар, ойнана жаҳон орқали олган таассуротлари асосида бу буюк икки санъат руҳига кириб, ундан маънавий озуқа олиб, ўз асарларини шу кунда яратиш билан кифояланиб келаётган бўлсада, изланишларида сезгир ижодкорнинг ички ҳаяжони уфуриб ту-

нафас олиб, улар негизини ўрганиб, тўлқинланиб ўз изланишларини амалга



оширади.

— Жўлдосбек Қуттимурадодов, Марказий Осие ҳайкалтарошлигидаги тенгги йўқ санъаткордир, — деган эди халқ шоири, Абдулла Орипов. — Масалан, ҳайкалтарош «Тўмарис» образини яратиш мақсадида ўтмишдаги улғувор, илоҳий куч-қудратга эга бўлган расомлар изланишларидан, улар яратган образлари салоҳиятидан кувват олади, кучланади. Уларнинг ўз образини талқин қилишдаги ифодавий йўллари, изланишлари услубидан мададланади, унинг таъсирчанлик хусусиятларини англаб, ҳис қилиб, илғаб ўз кўнгил туби-

дан, қалб призмасидан ўтказиб Тўмарис сиймосини яратишга катта тайёрлик кўради. Ж.Қуттимурадодов «Тўмарис» образи устида кўп ва ҳўп изланишлар олиб борди, ишлари аввалги изланиш, яъни биринчи вариантда «Тўмарис» қиёфасини Врубелънинг «Демони»га хос хайбатли сочларини улкан қилиб ички туйғулар гурираб, тўлқинланиб чиқаётганини ташқи шакллар орқали беришга интилди, юз кўринишидаги ички ҳиссиётни гурираб чиқаётган кўринишида хос руҳият ижодкорнинг бу қиёфадаги жасоратни бутун борича юзага қалқиб чиқишини таъминловчи, ифода этувчи кўринишлар, воситалар эпкинини жўштиради. Бу ҳолат изланувчан санъаткорга нима биландир кўнгли тўлмай, қалби тубидаги туйғуларни тўлалигича, кўнгли истаганича ифода этолмаганиданми уни бузиб ташлаган.

Кейинги вариантда Тўмарис образини, унинг тарихини, ўрнинг ичидан энди чиқиб тургандай сочларини иччамлаштириб, кичрайтириб ички жўшқин ҳиссиётини ташқи кўринишидан бериш хусусиятини бироз сўндириб, ифода этади. Хуллас Тўмарис образини, унинг ташқи ва ички қиёфасини, ўз даврининг етуқ қаҳрамони қиёфасини топмагунча неча бор бу қиёфанинг ранг-баранг кўринишларини, вариацияларини топишга интилди, изланишда бўлди. Бу қайта-қайта қалб тубидаги туйғуларни жисмга кўчиришга интилиш, қалбда ўрнашиб қолган ҳолатни, кўринишини ифода этишга чанқоқлик, неча кунлаб чикмай, қалбини, вужудини қийнаб ётган қиёфа ижодий эпкин келганда 1,5 соат мобайнида, яратилди, юзага келади, хуллас ўнлаб вариантларнинг образ кирраларини ўзгартиргач, янги-янги ички ҳаяжон, тўлқин асосида юзага келган ички руҳий олишувлар, ҳаяжонли онлар. Тўлқинланиш, эҳтирослардан сўнг муқим бир образ кўринишида тўхташга қарор қилинди, ишни якунлагандай, ниҳоясига етказгандай бўлди. Мана шундай руҳий олишувлар, ижодкорнинг ўз ишига талабчанлиги оқибатида, унинг устахонасидан халқ ҳукмига чиқадиган ҳар бир асар руҳий ва жисмоний олишувлар мобайнида юзага келади ва тўла маънода ўзлигини сафарбар қилиш асосида намоён бўлади.

**Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ  
СУРАТДА: ҳайкалтарош ижодидан  
намуна.**



Кузнинг ҳар бир лаҳзаси гўзал.



### Лайиҳалар

Ўқитувчи ўқувчига:  
— Файзуллаев, нима учун иншодаги хатоларинг партадошнингки билан бир хил?  
— Ўқитувчимиз битта-да...

Мухбир бир умр темир йўл ёнида яшаб ўтган қари-ядан интервью олмоқда.  
— Сиз бу ерда шунча кўп яшагансиз. Поездлар шовқини соғлигингизга таъсир қилганми?  
— Ҳа-ҳа, ҳа-ҳа, ҳа-ҳа, бо-лам.

Контролёр бекатда турган автобуснинг орқа эшигидан ҳайдовчига бақирармиш:

— Озроқ шошмай тур, яна бир киши келаяпти.

Бир оз вақт ўтгандан сўнг: Ҳайда тезроқ! Мен уни танийман, имтиёзли гувоҳнома маси бор. Кетди!

Бекатга автобус келиб тўхташи билан ғирт маст йигит автобус эшигини ура бошлади:

— Оч эшикни, барибир кираман. Эшик очилиши билан шофёрга кўзи тушиб ҳайрон қолди.

— Тушунмадим... Сен меннинг уйимда нима қиялпсан?

Ҳиндча фильми кўриб таъсирланган аёл эрига деди:

— Жоним! Мана шу фильмдаги севгилиси учун қўрбон бўлган йигитга ўхшаб сиз ҳам мен учун жонингиздан кечган бўлармидингиз?

— Жон-жон деб кечардим, фақат сендан қутулсам баш!

Бир қария матонинг нархидан норози бўлиб сотувчи йигитга деди:

— Инсофинг борми?  
— Билмадим. Унақа нарсани Отчопар бозорида кўрганим йўқ.

Шилқим йигит бекатда турган қизга гап қотди:

— Яхши қиз, соат неча бўлди?

— Яхши йигит, бу гап моддадан қолган-ку? Қайси вақтда учрашамиз, деяверинг.

Бир жангари феълли эр-как ўғлини харбий хизматга жўнатар экан, маслаҳат берипти:

— Ўғлим, ҳеч қачон паст кетма. Катта ёшдаги аскарлар иш буюрса қилма, мард бўл.

Орадан бир ой ўтиб, аскар ўғлидан хат келибди:  
«Дада, айтганингизни қилиб уч кун қамалиб чиқдим, бир кишининг айтганини қилмаган эдим. Кейин билсам у командир экан».

— Буюк бобомиз Абу Али ибн Сино Машриқда эъзо ва эҳтиром билан Шайх ур-раис - Шайхларнинг раиси деб аталса, Мағрибда Авиценна номи билан машҳур, — дейди Ш.Эргашев. — Ул зот милодий 980 йилнинг август ойида Бухоро яқинидаги Афсона қишлоғида дунёга келган.

Ибн Сино, умри мураккаб ва серташвиш вазиятларда ўтганига қарамай, илм-фаннинг ўн икки соҳаси бўйича мислсиз ютуқларни қўлга киритган.

Уша даврдаги мавжуд сиёсий вазият буюк ватандошимиз бошига кўп сарсон-саргардонликлар солган. У Бухородан Хоразмга кўчди, ундан кейин Исфохон ва Хамадон шаҳарларида яшайди.

Аллома Хоразмда яшаган даврларда Мавмун академиясида кўплаб машҳур олимлар, айниқса, Абу Райҳон Беруний билан яқин илмий-ижодий ҳамкорлик қилган. Узининг дунёга машҳур «Тиб қонунлари» ва «Аш-Шифо» асарлари учун зарур маълумотлар тўплаган.

1037 йилда 57 ёшда вафот этган ватандошимиз Хамадон шаҳрига дафн этилган.

Ибн Сино фаолияти билан шуғулланган олимлар унинг ҳар лаҳзадан унумли фойдаланганини алоҳида таъкид-лайдилар. Дарҳақиқат, инсон 57 йиллик ҳаёти давомида 450 дан ортиқ асар ёзиб, илм-фаннинг кўплаб соҳаларида ўнмас из қолдириши осон эмас.

Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари дунё мамлакатларида ҳамон таъбабат соҳасидаги муҳим қўлланма сифатида ўқиб-ўрганиб келинмоқда.

— Буюк ватандошимиз қолдирган бой маънавий-маърифий меросни ўрганиш ва тарғиб этиш, унинг 1025 йиллик юбилейини муносиб нишонлаш борасида сиз раҳбарлик қилаётган жамғарма қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Улуғ ватандошимиз меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш, бу йўналишда илмий изла-нишлар олиб бориш Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган жамғармамизнинг асосий вазифаларидандир.

Ибн Сино кутубхонаси ва музейи ташкил этилди. Жамғармамиз томонидан чоп қилинаётган «Ибн Сино - Avicenna» деб номланувчи халқаро журнал аллома қолдирган бой маънавий мерос ҳамда соғлом турмуш тарзи концепциясининг фаол та-

рғиботчиси. Бу борада улуғ юрдошимиз асарларини ҳамда уларнинг аҳамиятини очиб беришга йўналтирилган қатор рисолалар ҳам жамғарма кўмаги билан нашр этилди.

Жорий йилнинг Президентимиз Ислам Каримов томонидан Сихат-саломатлик йили деб эълон қилиниши ҳамда шу муносабат билан ишлаб чиқилган давлат дастурда белгиланган вази-фаларни амалга ошириш мақсадида республика-мидаги барча академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртрларида Ибн Сино номи билан аталувчи саломатлик марказлари

мғармамизнинг, айниқса, асримизнинг долзарб муаммоларидан ҳисобланган гиёвандлик ва ОИТ-Стга қарши кураш борасидаги самарали фаолияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан юксак баҳоланиб, Жонатан Мэнн мукофотига муно-сиб кўрилди.

Турли хорижий давлатлар олимлари билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Масалан, 2004 йил-да Францияда жамғармамизнинг расмий вако-латхонаси очилди.

Яқинда Бельгиянинг Льеж шаҳри универси-те-ти ҳамда Италиянинг Флоренция шаҳрида Ибн

Синонинг 1025 йиллик юби-лейи муносабати билан хал-қаро анжуманлар ўтказилди. Флоренциядаги қариялар уй-ларидан бири эндиликда улуғ юрт-дошимиз номи бил-ан аталмоқда.

Номлари тилга олинган ҳар икки мамлакатда ҳам кел-гусида Ибн Сино халқаро жа-мғармасининг расмий вако-латхоналарини очишга кели-шиб олинди.

Шу йил 21-22 ноябрь кун-лари алломанинг туғилган юрти — Бухоро шаҳрида буюк ватандошимизнинг 1025 йиллиги ҳамда Сихат-сало-матлик йилига бағишлаб анъанавий «V Ибн Сино хал-қаро ўқишлари» ултмий-ама-лий анжумани ўтказилади. «Буюк мерос ва миллат са-ломатлиги» мавзусида ўтади-ган мазкур йирик анжуман-

да ўттиздан ортиқ хорижий давлатдан келган олимлар билан бирга мамлакатимизнинг юздан зиёд олим ва мутахассислари ҳам иштирок эта-ди.

Юбилей тантаналарини ўтказиш учун қизгин тайёргарлик авж палласига кирди. Жумладан, Афсона қишлоғидаги унинг номи билан аталуви-чи музейда кенг қўламли таъмирлаш ишлари поёни-га етказилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Абу Али ибн Сино-нинг ҳаёти ва фаолияти, илм-фан ва маданият соҳасида тутган ўрнини ўрганишга бағишланган бундай анжуманлар, семинарлар, давра суҳбат-лари бундан кейин ҳам республикамиз таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларида ташкил этилади. Зеро, буюк ватандошимиз қолдирган улкан ва бебаҳо маънавий меросни теран тадқиқ ва тарғиб этиш замонавий тиббиёт ривожини янги босқичга кўтариш билан бирга ёш авлодни соғ-лом турмуш тарзига ошно бўлишга ҳам ўргата-ди.

ЎЗА мухбири  
Норали ОЧИЛОВ  
суҳбатлашди

### Абу Али ибн Синонинг 1025 йиллигига

## БУЮК МЕРОС ВА МИЛЛАТ САЛОМАТЛИГИ

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида улуғ аждодларимиз хотирасига юксак эҳтиром кўрсатилиб, улар қолдирган бой маданий ва маънавий меросни ўрганиш, ҳаёти ва фаолиятини чуқур тадқиқ этишга катта эътибор қарати-лмоқда. Истиклол йилларида халқимизнинг кўплаб буюк фарзандлари номлари билан боғлиқ қадамжолар оёбд этилди, янги ёдгорлик мажмуалари қад ростлади. Ёш авлодни аждодларга муносиб ворислар сифатида тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилди, бу хайрли иш давом этмоқда.

Айни кунларда диёримизда жаҳон илм-фани хазинасига бемисл ҳисса қўшган улуғ бобомиз Абу Али ибн Синонинг 1025 йиллик юбилейини нишонлашга қизгин ҳозирлик кўрилмоқда.

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида ўтказилаётган мазкур тан-таналарда «Ибн Сино» халқаро жамғармаси ҳам фаол иштирок этмоқда.

Жамғарма раиси, тиббиёт фанлари доктори ШУҲРАТ ЭРГАШЕВ билан ЎЗА мухби-рининг суҳбати ана шу хусусда бўлди.

очилди. Улар орқали жамғармамиз вакиллари доимий равишда ёшларга соғлом турмуш тарзи фалсафасини тушунтирмоқда, тарғиб қилаётир. Ана шу эзгу ишни амалга ошириш ниятида «Абу Али ибн Сино» деб номланган газетани чоп этиш-ни ҳам йўлга қўйдик.

Айни пайтда жамғармамиз ходимлари саъй-ҳаракатлари билан «Соғлом турмуш тарзи ва касалликларнинг профилактикаси», «Болалар тар-бияси», «Гиёвандлик ва ВИЧ/ОИТС профилактика-си», «Ибн Сино геронтология маркази» каби маслаҳат марказлари ташкил этилди. Жамғар-мамиз ҳузурида ЮНЕСКОнинг халқаро биоэтика дастури бўйича миллий кўмитаси иш бошлагани ҳам аҳамиятга моликдир.

Мазкур кўмита доирасида юртимизда биохил-махилликни таъминлаш муаммолари атрофида таҳлил этилмоқда.

Юртимиз қишлоқ ва шаҳарларида, маҳалла ва гузарларида, турли ўқув муассасалари ва ташки-лотларда мунтазам равишда Ибн Сино илмий мероси ва соғлом турмуш тарзи, касалликлар-нинг олдини олиш муаммоларига бағишланган туркум семинар ва анжуманларни ўтказялмоқда. Жа-

### ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР — ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

Ёнган хавфсизлиги олий техник мактабига кафедралар бўйича қуйидаги бўш /вакант/ ўринларга юқори малакали мутахассислар

ТАНЛОВНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Доцент, фан номзоди, катта ўқитувчи, ўқитувчи:

Кимё, менежмент, иссиқлик техникаси, электроника, амалий механика, занжирларнинг назарий асослари, радиотех-ника тизимлар, радиоэлектрон тизимларни йиғиш ва ишлаб чиқариш технологияси асослари, сигналларни ҳосил қилиш ва жамлаш қурilmалари, юриспруденция.

Тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар — ариза, шахсий варақа фотосурат билан, илмий даража, илмий унвон ва маълумот ҳақидаги дипломлар нусхалари, илмий ишлар рўйхати

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга тақдим этилади:

700017, Тошкент — 17, Шароф Рашидов шох кўчаси — 23, Телефонлар: 136-00-36, 133-45-07, 134-65-38.

**Спорт**

**АНЪАНАВИЙ  
АВТОРАЛЛИ  
КУЧЛИЛАРНИ  
ЖАМЛАДИ**

Шаҳримизда икки кун давомида «УМАФ кубоги — Сўғдиёна — 2005» анъанавий республика автораллиси ҳамда «Тошшаҳарйўловчи-транс» акциядорлик компанияси транспорт корхоналарининг экипажлари иштирокида «Директор — 2005» номли хаваскорлар раллиси бўлиб ўтди.

Мусобақалар Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Миллий автомобиль федерацияси, «Тошшаҳарйўловчи-транс» АК, Тошкент шаҳри ва вилояти ички ишлар бошқармалари ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларининг қўллаб-қувватлаши остида ташкил этилди.

Автораллида мамлакатимиз ҳамда Қозоғистоннинг турли клубларидан 27 нафар профессионал пойгачи, «Директор — 2005» мусобақаларида эса хаваскорларнинг 9 та экипажи ўзаро куч синашди.

Таъкидлаш жоизки, ралли учун Ўзбекистон Миллий автомобиль федерацияси махсус жиҳозланган «Нексия» автомобиллари таяёрланди. Шунингдек, профессионал ва хаваскор спортчилар Россия, Германия ҳамда Японияда ишлаб чиқарилган машиналарда ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Трассанинг узунлиги 380 километри ташкил этиб, шаҳримизнинг Пушкин кўчасидан старт олган автомобиллар Чимён сари йўл олишди.

Шундай қилиб, «Нексия» машинасини бошқариб, умумий ҳисобда энг яхши натижа кўрсатган ҳамшаҳарларимиз Шерзод Жумабоев ва Валерий Шиленколар мусобақа ғолиблари бўлишди. «ВАЗ-2108» машинасида иштирок этган Сергей Старичков ва Владимир Голишевлар (Тошкент шаҳри) иккинчи ўринни эгаллашди. Хар хил классдаги автомобиллар баҳсида эса Сергей Горбунов, Шерзод Жумабоев, Игорь Газиняк, Илья Ледовских ҳамда Андрей Бурместенколар экипажлари ғолиб чиқди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳар автомобиль федерацияси автопойгачилари биринчи ўринни эгаллашди. Тошкент вилояти техник мактаби ҳамда «Юнайтед мотор-спорт» жамоалари иккинчи ва учинчи бўлишди.

«Директор — 2005» мусобақаларида «СХМ Интерсервис» фирмасидан оилавий экипаж Константин Сабликов ва Юлия Сабликовалар ғалаба нашидасини сурдишди.

Ғолиб ва совриндорларга дипломлар ва эсдалик совгалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

**Ғолиблар**

**«ПАХТАКОР» — ЯРИМ ФИНАЛДА**

Аввал хабар берганимиздек, Қарши шаҳрида икки номдор жамоа «Насаф»-«Пахтакор» ўртасида Ўзбекистон Кубоги чорак финалининг дастлабки учрашуви ўтказилган ва ушбу баҳсда тошкентлик чарм тўп усталари 4:1 ҳисобида ишончли ғалабага эришишган эди.

Ушбу ғалаба пахтакорчиларни деярли ярим финалга олиб чиққандек эди. Сабаби, такрорий учрашувда мамлакат чемпиони ўз майдонида дуранг натижа қайд этса ҳам кифоя қиларди.

**ЎТГАН КУНИ**

«Пахтакор» марказий стадионига йирилган мухлислар Ўзбекистон Кубоги чорак

финалининг «Пахтакор» — «Насаф» жамоалари ўртасидаги такрорий беллашув гувоҳига айлинишди.

Айтиш жоизки, ўз майдонларида қутилмаганда йирик ҳисобда имкониятни бой берган қаршилиқлар Тошкентда ғалаба иштиёқида майдонга тушишда ва учрашув анча шиддатли, муросасиз кечади деб таҳмин қилинган эди. Бирок...

Аввало, ҳар икки жамоа вакиллари майдонда эҳтиёткор ҳаракат қилганликларини таъкидлаш ўринли. Сабаби, «Пахтакор»ни дуранг натижа ҳам қониқтирарди. «Насаф» рақибларининг тезкор ва самарали ҳужумлар уюштиришига йўл қўймаган бўлсада, мезбонлар дар-

возасини ишғол этишнинг ҳам уддасидан чиқа олмади. Хуллас 90 дақиқа мубайнада анча зерикарли кечган учрашувда томонлар муроса йўлини танлашди. Икки ўйин натижасига кўра эса мамлакат чемпиони «Пахтакор» ярим финалга йўлланма олди.

Энди Равшан Хайдаров шоғирдлари 18,21 ноябрь кунлари Наманганнинг «Навбахор» жамоаси билан Ўзбекистон Кубоги ярим финалида куч синашилади. БУГУН Фарғонада ўтказилган «Нефтчи» — «Бухоро» жамоалари учрашувидан сўнг финалга йўл оладиган биринчи жамоа номи маълум бўлади. Ярим финал баҳсининг «Бухоро» — «Нефтчи» жамоалари ўртасидаги биринчи учрашув 1:0 ҳисобида бухороликлар ғалабаси билан аяқланганди. «Пахтакор»нинг рақиб «Нефтчи»ми ёки «Бухоро» бўладими, буни вақт кўрсатади.

**Ақбар Йўлдошев**

**“01”**

**ЁНҒИНЛАРНИНГ  
ОЛДИНИ  
ОЛАЙЛИК**

«Ёнғинни ўчиришдан кўра унинг олдини олган афзал» дейишади. Улар ўз-ўзидан эмас, балки инсонларнинг айби билан содир бўлмоқда. Ёнғинларнинг асосий сабаблари оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш, мот ҳолда ётган жойида сигарета чекиш, носоз электр асбобларидан фойдаланиш, ёш болаларнинг олов билан ўйнашлари, чиқинди ва ҳазонларни ёқиб, газ ва электр асбобларидан фойдаланганда ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилмаслик ва бошқа шу каби эътиборсизлик ҳамда лоқайдликлардир.

2005 йилнинг ўтган 9 ойи давомида Яқкасарой туманида 42 та ёнғин содир бўлди (2004 йилда 45 та), ушбу содир бўлган ёнғинлардан 244000 сўм моддий зарар кўрилган (2004 йилда 144000 сўм). Рақамлардан кўриниб турибдики туманимиз муҳандис-назоратчиларининг сайёҳаракатлари натижасида ёнғинлар сони 17,8 фоизга камайгани ҳолда улар оқибатдан кўрилатган моддий зарар 69,4 фоизга кўйайган.

Содир бўлаётган ёнғинлардан айримларини мисол тариқасида айтиб ўтмоқчимиз.

Яқкасарой туманидаги Нукус кўчаси, 13-уйда ёнғин содир бўлгани ҳақида хабар келди. Ёнғиндан сақлаш хизмати ходимларининг тезкор ҳаракатлари натижасида ёнғин тезда бартараф этилди ва аланганинг кўшини уйга ўтиб кетмаслигининг олди олинди. Ёнғин оқибатида уйнинг том қисмида 86000 минг сўмлик зарар кўрилган. Ёнғин ўтказилган электр симининг қисқа туташуви натижасида содир бўлган.

Бундай мисолларни қўллаб келтиришимиз мумкин. Юқорида айтганимиздек, туманимиз муҳандис-назоратчилари туман аҳолиси, талаба-ёшлар орасида, боғча-мактаб ўқувчилари билан тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Ёнғиннинг олдини олиш учун нималар қилиш кераклиги, ўт билан ўйнашнинг ёмон, оғир, хавфли оқибатлари, ёнғиндан сақланиш қондаларига риоя қилишнинг ўқитиб келмоқдалар. Ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилган барча фуқароларимизнинг ўт балосидан сақланишларига, уларни доимо хурсандчилик ва кут-барака аримаслигига ишончимиз комил.

**Даврон ҚОДИРОВ,**

**Яқкасарой тумани ички ишлар бошқармаси**

**ёнғин хавфсизлиги бошқармаси инспектори, катта лейтенант**

**ТУРЛИ  
ЁШДАГИЛАР  
БЕЛЛАШДИ**

Пойтахтда югуриш бўйича «Сихат-салониатчи йили»га бағишланган «Олтин куз-2005» мусобақаси бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар маданияти ва спорт ишлари бошқармаси томонидан ташкил этилган мазкур мусобақада йигирма ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча соҳаларда фаолият юритаётганлар иштирок этишди. Қатнашчилар уч юз метрдан минг метргача бўлган масофада югуриш бўйича ўзаро беллашди. Ўнги атлетика федерацияси ҳакамлари назоратида ўтган мусобақаларда Аъзам Алиев, Рауф Раҳмонов, Валерий Азабоев, Виктор Бахоров, Владимир Василев, аёллар мусобақасида эса Клара Баганова, Нида Шохворсқова, Елена Якушова ва

Мина Садуниа ғолибликни қўлга киритишди. Мунтазам тарзда ўтказилиб келинаётган мазкур мусобақа Конституциямизнинг 13 йиллигига бағишланган республика марофони олдидан саралаш вазифасини ўтайди. Ушбу мусобақада ғолибликни қўлга киритган иштирокчилар республика босқичига йўлланма олишди.

**ПОЛВОНЛАР КУЧ  
СИНАШДИ**

Республика олимпия заҳиралари спорт коллежида юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Икки кун давом этган мазкур мусобақада Тошкент шаҳри, Бухоро, Самарқанд, Андижон вилоятидан келган полвонлар совринли ўринлар учун кураш олиб боришди. Мусобақада бир юз эликдан ортқ полвонлар саккиз вази тоифасида ўзаро беллашди. Му-

собақанинг биринчи кунинда 50, 60, 74 ҳамда 96 килограмм вази тоифасидаги полвонлар кураши кутилганидек муросасиз баҳслар остида яқунланди. 50 килограмм вазиликлар финалида омад андижонлик Баҳодир Отабоевга қулиб боқди. 60 килограммда бухоролик Комил Холматов, 74 килограмм оғирлик вазида Жаҳонгир Мўминов, 96 килограммда эса Сухбат Хожиев биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Чемпионатнинг иккинчи кунинда ўтказилган 55, 66, 84 ва 120 килограмм вази тоифасидаги полвонлар беллашуви ҳам бир бирдан қизиқарли баҳсларга бой бўлди. Унда ўз вази тоифаларида Ақбар Қўзиев, Валижон Хўрозов, Денис Сариков, Кимбер Рубовлар Ўзбекистон чемпионлиги деган шарафли номга сазовор бўлди.

**Рустам ХАЙДАРОВ,**  
**«Туркистон-пресс»**

**Мунажжим башорати**

**ЁҚИМЛИ  
ХАРИДЛАР КУНИ**

**17 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА**

Азиз газетхон, бугун мунажжимларимиз кунингиз ёқимли ва фойдали харидлар билан, бошқа эзгуликлар билан ўтишини башорат қилишган. Яхши ният — ярим мол, деб беҳиз айтишмаган-ку. Мунажжимларимиз ваъдаларига ишонарайлик — ҳаммаси жойида бўлади.

Кўш тақвимиинг 2-кунини, мунажжимлар таъбирича, ўлчовлар билан боғлиқ турли-туман тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, зарур ахборотларини излаб топиш учун кулай келади. Яна ўз долзарблигини тез йўқотадиган хар қандай ишларни бошлаш мумкин. Шаҳар ташқарисига сайр-саёҳатга чиқиш, банк амалиётлари, илмий ишлар, қурилиш, шартномаларни имзолаш ва ўзаро ёзишмалар учун ҳам бугунги кун омадли ҳисобланади.

Кўш Чаён буржининг 26-даражасига ўтиб улғурадиган кунинг иккинчи ярмида бахиллик ва хасадга қарши кураш олиб боришга тўғри келади. Мунажжимларимизнинг еслатишларича, ёмонликларга қарши курашни бировлардаги эмас, ўзимиздаги иллатларга қарши олиб боришимизга тўғри келаркан. Бошқаларга ёрдам кўрсатишга келсак, улар шунини сўрашсагина кўмак қўлини чўзишимиз, ўз иродамизни бошқаларга сингдиришга уринмаслигимиз керак.

Яна мунажжимлар бугун инсонлар таъсирчан ва гипнозга берилувчан бўлишлари, шунинг учун андовларга осонгина

учишлари мумкинлигини оғохлантиришган. Турли хилдаги ўғриликлар ва йўқотишлар эҳтимоли кучайиб, хотира заифлиги ва унутувчанлик ачинарли ҳолларга дучор қилиши мумкин. Жониворларнинг хулқ-атворига қараб, одамларнинг сизга муносабатларини билиб олишингиз мумкин. Устингизга куш патининг тушиши — яхшиликка — яхши хабар топасиз. Кўзгу парчасини топиб олишингиз, чалқаб кетган муаммоларингиз ечимни топилишига ишора.

Бу кеча кўрадиган тушларингиз ҳам башоратли ҳисобланади. Тушда паррандалар ва жониворларни кўриш — эзгуликка.

Нафас йўллари ва асаб тизими хали ҳам кеңағидай заифлашган ҳолатда давом этиб, хасталикларга мойил бўлиши кутилади.

Ранги ўчиб кетган, нурсиз ҳамда қумушранг ва хаворанг либосларга бугун устуворлик беришини тавсия этамиз. Қизил ҳамда зарғалдоқранг кийимлардан узоқроқ бўлинг.

**ПАЙШАНБА КУНИДА:**

- хизмат сафари ёки туристик саёҳатга чиқиш;
  - ўқиш, имтиҳон ва синовларни топшириш;
  - тижорат фаолияти билан шуғулланиш;
  - иш жойи ва мутахассислигингизни ўзгартириш, бўш ўринларни эгаллаш учун танловларда қатнашиш;
  - воситачи ёки вакил сифатида ўз куч ва имкониятларингизни синаб кўриш;
  - концертга тушиш, тенгдошларингиз даврасида ҳушқачқаклик қилиш тавсия этилади.
- Асли ҳолатингиздан кўра салобатлироқ кўринишга уриниш, хизмат мавқеингиздан фойдаланишни уйламанг.



**Бош муҳаррир  
Ақмал АКРОМОВ**

Манзилими: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар —  
133-28-95, 136-57-65,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.  
2495 нусхада босилди. Қозғоқбинчи А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтабети»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси бомаҳонаси.  
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.